

Шартнома № 03

«21» январ 2022 йил

Тошкент шаҳар

«MUSAFFO-SOF» ООО бундан буён матнда «Сотувчи» деб аталувчи номидан раҳбари Х.Уринбоев фаолиятини амалга оширувчи бир томондан ва Шўрчи туман Ободонлаштириш бошқармаси бундан буён матнда «Харидор» деб аталувчи номидан раҳбари Б.Менгбоев фаолиятини кўрсатувчи, иккинчи томондан, куйидагилар тўғрисида ушбу шартномани тузишди.

1. Шартнома предмети

1.1. «Сотувчи» узига тегишли мол-мулкни «Харидор»нинг мулки килиб (доимий хужалик юритувчи ёки бутуилай бошқарувига) беради, «Харидор» эса мол-мулкнинг хаки тулангандан кейин олиш мажбуриятини олади.

1.2.

	Маҳсулот номи	Ул.Бир	Микдори	Нархи	Умумий Нархи
1	Полиэтилен труба 40x3	Метр	3000	6026	18 078 000
2	Полиэтилен труба 50x3,3	Метр	3000	7912	23 736 000
3	Полиэтилен труба 76x4,3	Метр	570	14306	8 154 420
	ЖАМИ				49 968 420

2. Шартнома нархи, баҳоси, суммаси (қиймати)

2.1. Шартноманинг умумий қиймати: С НДС 49 968 420 (Қирқ туккиз миллион туккиз юз олтимиш саккиз минг турт юз йигирма) сўмни ташкил қилади.

3. Тўлов шартлари

3.1. «Харидор» «Сотувчи»нинг ҳисоб-рақамига шартномада кўрсатилган маҳсулот миқдори суммасининг 30 %ни олдиндан 3 банк иш кунида ўтказишни ўз зиммасига олади. Қолган 70 фоизи маҳсулот тўлиқ етказиб берилгандан кейин ўтказишни ўз зиммасига олади.

3.2. Тўлов тури тўлов топшириқномасимга асосан

4. Шартноманинг бажарилиш муддати

4.1. Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган маҳсулот «Харидор»га маҳсулотнинг 30 фоизи суммасини «Сотувчи»нинг ҳисоб рақамига ўтказилгандан кейин 10 кун вақт ичида берилиши шарт.

4.2. Шартноманинг амал қилиш муддати: 2022 йил « 21 » январдан 2022 йил « 31 » декабргача ўз кучида қолади.

5. Тарафлар ҳуқуқлари

5.1. «Харидор»нинг ҳуқуқлари:

5.1.1. Ушбу шартнома асосида белгиланган маҳсулотларни ўз вақтида ва сифатли маҳсулотни етказишни «Сотувчи»дан талаб қилишга;

5.1.2. «Сотувчи»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлидир.

5.2. «Сотувчи»нинг ҳуқуқлари:

5.2.1. Ушбу шартнома асосида белгиланган маҳсулотлар учун олдиндан ҳақ тўлашни ва амалдаги шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисоб-китобларни амалга оширишни «Сотувчи»дан талаб қилишга;

5.2.2. «Харидор»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик, маҳсулотни қабул қилишда асоссиз равишда рад қилиш натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлидир.

6. Тарафлар мажбуриятлари

6.1. «Сотувчи» мажбурияти:

6.1.1. Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида «Харидор»га маҳсулотни етказиб бериш;

6.1.2. Тегишли даражада сифатли маҳсулот юборилганлиги тўғрисида билдириш (хабарнома) олгандан сўнг сифатли бўлмаган мол-мулкни 1 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 1.2-бандига асосан сифатли бўлмаган маҳсулот баҳосини қайтариб бериш.

6.2. «Харидор» мажбурияти:

6.2.1. Маҳсулотни қабул қилиш далолатномасини тузган ҳолда ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб муддатида маҳсулотни қабул қилиб олиш;

6.2.2. Тегишли даражада сифатли бўлмаган маҳсулот келиб тушгани аниқлангандан кейин, бу ҳақда далолатнома ёзилиб, 24 соат ичида «Сотувчи»ни огоҳлантириш.

6.2.3. Маҳсулотнинг баҳосини ушбу шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда тўлаш.

7. Тарафлар жавобгарлиги

7.1. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктирилиб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5% миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар баҳосининг 50%

дан келиб қетишига эриши. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бугунги тарафни товуларни етказиб бериши муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

7.2. Тулов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб китобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасига тулов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва хоказо) учун сотиб олувчи (буюртмачи) маҳсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган суммасининг 15% миқдорда жарима тулайди.

7.3. Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтига тўламаганлик учун сотиб олувчи (буюртмачи) етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,4% миқдорда, аммо кечиктирилган тулов суммасининг 50% дан ортиқ булмаган миқдорда пеня тўлайди.

7.4. «Сотувчи» омборидан ўз вақтида мол-мулк олиб чиқиб кетилмаса, агар бу томонларнинг келишувига асосан кўзда тутилган бўлса, «Харидор» ҳар бир ўтказиб юборилган кун учун «Сотувчи»га омборда сақланганлигидан келиб чиққан зарар учун 0,5 % миқдорда жарима тўлайди.

7.5. Жарима тўлаш тарафларни шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

8. Форс-мажор ҳолатлари

8.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Уриш эълон қилиниши ёки бошлангани, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, енгин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.

8.2. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч уч ой узлуksиз давом этса, тарафлар, бйр-бирини езма равиш, оғохлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиши мумкин.

9. Низони ҳал қилиш тартиби

9.1. Ушбу шартномала ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқялиган барча низолар энг аввало тарафларни келишувини билан ҳал қилинади.

9.2. Тарафларнинг келишувини билан ҳал қилиб бўлмайдиган низолар қонун ҳужжатларида белгилапган тартибда, ҳужжалик суди орқали ҳал қилинади.

10. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

10.1. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар фақат иккала тараф томонидан езма равишда тузилиб, имзо қуйилгандан кейингина юридик кучга эга бўлади.

10.2. Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига бйноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

11. Бошқа ҳолатлар

11.1. Ушбу шартнома иккала тараф учун бир хил юридик кучга эга бўлиб икки нусxada тузилган.

11.2. Тарафларнинг бошқа талаблари: _____

11.3. Шартномага илова: _____

12. Тарафларнинг юридик манзилгоҳи ва тулов реквизитлари

Сотувчи	Харидор
Мол етказиб берувчи: ООО "MUSAFFO-SOF"	Шўрчи туман Ободонлаштириш бошқармаси
Манзил: Андижон в Шахрихон туман тараккет МФЙ	Манзил: Сурхандаре вилоят шурчи тумани 1-офур Фулом кўчаси
Тел/Факс +998990446891	Тел/Факс +998919044994
Х/Р: 20208000704841421001	ш/х*100022860222267011503110002
Банк номи: «Хамкорбанк» Шахрихон филиали	Бюджетдан маблаг олунчи СТИР и 205782198
МҚС: 00037	ОКОНХ: 90211
СТИР: 301555946	
ОКОНХ:	Газна х/в 23402000300100001010
	Банк номи: Марказий банк ХҚКМ Тошкент шаҳар
	МФО 00014
	Газначилик булинмаси СТИР и 200122919
Рахбар:  Х.Уринбоев	Рахбар:  Б.Менгбоев





21.01.2022 даги

"Мусаффо-соф" МЧЖ ва Шурчи туман Ободонлаштириш бошқармаси ўртасида 49968420,00 сўм умумий
суммага тузилган 03 - сонли шартномага

ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

Боб 110
Шахсий ғазна ҳисобварақ 100022860222267065200110004

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			сўмда Жами
	4252110			
Январь	49 968 420,00			49 968 420,00
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Жами йил бўйича	49 968 420,00			49 968 420,00

Жами 49968420,00 сўм

Қирқ тўққиз миллион тўққиз юз олтамиш саккиз минг тўрт юз
йигирма сўм 00 тийин
сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 14990526,00 сўм ёки 30,00%*** шартноманинг умумий суммасидан
% ***20 ойда тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(***) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойнага % жорий ойнанинг санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари

М.Ў.

(имзо)

Менгбоев Бурон Хуррамович

Ф.И.Ш.

Буюртмачи бош бухгалтери

(имзо)

Бердиева Ойгул Бердиевна

Ф.И.Ш.

Ғазначилик бўлинмасининг
ходими қабул қилди

(имзо)

Буюртмачи ходими
қабул қилди

(имзо)

«__» 20__ й.

«__» январ 2022 й.

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA**

1.Loyihaning turi. Shartnoma

2.Loyihaning nomi. Mahsulot yetkazib berish to'g'risida.

3.Loyiha ishlab chiqaruvchisi va kiritilgan sana haqida ma'lumot.

Buyruq loyihasi Sho'rchi tumani Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan ishlab chiqilgan va markazga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 25.01.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz boshyuriskonsulti



O.Badalova

26.01.2022 yil